

Доктор Маждий ЗАЪБАЛ,
Миср Араб Республикаси,
Миср – Ўзбекистон дўстлик
жамияти раиси



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ РЕКТОРИГА

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Аввало, Сиз жанобингизни буюк исломий меросимизни илмий жиҳатдан ўрганиш вазифасини зиммасига олувчи Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ректор этиб тайинланганингиз билан самимий қутлайман. Менимча, ушбу академия шаръий ҳукмларнинг асл мақсадларини англашда юз бераётган, муқаддас динимиз матнларини нотўғри тушунишга сабаб бўлаётган ва натижада тақфир, зўравонлик, террорчилик каби ўз алангаси билан кўплаб давлатларни қуршаб олган иллатлар пайдо бўлишининг, кенг тарқалишининг олдини олади, маърифий соҳадаги камчиликларни бартараф этишдек улкан савобли ишларни амалга оширади.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг таъсис этилишининг бош мақсадларидан бири этиб Ўзбекистон заминидан чиққан алломаларнинг илмий ва фалсафий меросларига таянган ҳолда ҳозирги даврдаги муқаддас матнларни англаш ва талқин қилишдаги камчиликларни тузатишни белгилаганингиз диққатга сазовор.

Биз ҳам ушбу академиянинг улкан тарихий аҳамияти, ўзбек халқининг асрлар давомида ислом илм-фани осмонини ёритиб келган буюк уламолари мисолидаги илмий салоҳиятига ишонган ҳолда, мақсадларини амалга оширишига кўмаклашиш йўлида бор имкониятимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигимизни бил-

дирамиз. Шуни ҳам алоҳида қайд этамизки, ўзбек халқи билан араб олами, жумладан, Миср халқи ўртасидаги ҳамкорлик келажак авлод учун биз барпо этаётган порлоқ истиқбол қурилишида катта аҳамиятга эгадир. Бу ақлни ишлатиш, ўзаро бағрикенглик, янгиланиш руҳи, мулоқотга қурилган, ақлга, исломнинг мусаффо таълимотига зид келадиган фатволар, тақфир, маҳаллийчилик, тарафкашлик ва даққилик каби салбий ҳолатлардан узоқ бир истиқбол бўлажақдир. Бундай қадриятлар ислом меросининг энг нурли асри маҳсулидирки, ислом тамаддунини инсоният жамияти гултожиги айлантирди ва бу борада Ўзбекистон аҳлининг фахрланишига асос бўладиган улуши бордир.

Мен Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Маданият маркази мудир вазифасида ишлаган чоғларимда (2005-2008) университет раҳбарияти билан учрашиб, мазмунли суҳбатидан баҳраманд бўлиш шарафига ноил бўлганман. Мазкур академия билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиладиган бўлса, шараф устига шараф бўлади. Зеро, академия келгусида катта муваффақиятларга эришишига чин дилдан ишонч билдираман.

Сўзим сўнгига Ўзбекистон Республикаси Президенти, мухтарам Шавкат Мирзиёев жаноби олийларини ҳамда академия раҳбариятини ва бутун ўзбек халқини ушбу илм қасрининг ташкил этилгани билан муборакбод этаман.